Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari
Federatsiyasi gazetasi

http://www.ishonch-doverie.uz

2013-yil 5-yanvar, shanba № 2 (3195)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

# 2013 йил — Обод турмуш йили

*Биз кириб келаётган янги — 2013 йилга мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб ном бердик. Бунинг замирида халқимиз, Ватанимиз истиқболини, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон этишга қаратилган амалий интилишларимиз мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши аён.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Умр мазмуни

**Умр — инсонга берилган энг олий неъмат. Ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етиб, ундан унумли фойдалансак, ҳаётда камроқ хатога йўл қўямиз. Айримлар турмушнинг оддий зарбасига-да дош беролмай, синовлар олдида ўзини заиф сеза бошлайди...**

Тўйтепанинг «Учқун» маҳалласида бир оила бор. Сўфи азон айтмасдан бу хонадонда ҳаёт қайнайди. Оила бошлиғи Эргаш ака совуқдан мотори музлаган «Дамас»ини қиздириш учун ўт олдириб қўяди. Шоша-пиша нонушта қилади-ю, машинасига ўтириб, туман марказида жойлашган дўконига йўл олади. Эрини ишга кузатган Хурсаной опа тонгги ғира-ширада дастурхон атрофида йиғилган ўғиллари-ю келинлари ва набираларини кўриб, ич-ичидан суюнади. Тўнғич ўғил Эркин университетни тамомлаган, масъул идорада ишлайди. Элёр ва Элмурод эса талаба. Ҳар тонг она оқ фотиҳа бериб, уларни ишга, ўқишга кузатади.

Маҳалладошлари Хурсаной опани «Ҳожи она» деб чақиришади. Эллик ёшлар атрофидаги, юзидан нур ёғилиб турган бу аёл маҳалладаги хотин-қизларнинг энг яқин маслаҳатчиси. Келини билан ўртасида гап қочган қайнона борки, дарров Хурсаной опанинг ёнига келади. Опа бир унисига, бир бунисига ён босиб, уларни муросага келтиради. Қарабсизки, кўп ўтмай қайнона-келин онаболага айланишади. Яна кимнингдир турмушга узатган қизи аразлаб келган бўлса, насиҳат қилиб, уйидагилар билан яраштирган кунлари кўп бўлган.

Бу аёлнинг суяги меҳнатда қотган. Турмушнинг кўп паст-у баландликларини кўрган. Бошидан ўтган кунларни эсга олар экан, унинг бўғзига нимадир тиқилди...

— 1977 йилнинг куз ойлари. Отамнинг бевақт ўлими олти ойлик ҳомиласи бор оғироёқ онам ва биз — олти боланинг елкасига қийинчилиг-у синовларни ташлади, — дея эслайди Хурсаной опа. — Оғир кунлар бошланди. Оиланинг каттаси бўлганим учун рўзғорни бошқаришда ёлғизланиб қолган онамга ёрдам берардим. 9-синфда ўқиб юрган кезларим тумандаги нон ишлаб чиқарадиган комбинатда кечки сменада ишлай бошладим. Ўқишдан келгач, оғилдаги мол-ҳолга қарар, кеч тушмасдан яёв комбинатга йўл олардим. Ўша пайтлари ўқиш ва ишдан ортиб, турли мавзуларда мақолалар ёзиб, туман газетасига бериб турардим. Босилиб чиққан материалларимни кўрганда ўзимни еттинчи осмонда ҳис қилардим. Кунларнинг бирида ёзганларимни жамлаб «Саодат» журналига, шоира Зулфиянинг олдига борганман. Буюк шоиранинг мен билан алоҳида суҳбатлашганини соғиниб эслайман. Университетнинг журналистика факултетига ўқишга кириш энг катта орзуим эди.

**(Давоми 2-саҳифада).**

### 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни



## Бўлажак офицерлар маскани

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар натижасида замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникага эга миллий армиямиз шаклланди.***

Профессионал асосда ташкил этилган мазкур армия таркибини мустаҳкамлаш, замонавий ҳарбий билим ва кўникмаларга эга сержантлар ва юқори малакали офицер кадрларни тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Хусусан, мамлакатимизнинг ҳарбий округи ҳудудларида Қуролли Кучларимиз учун кичик командирлар — сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди. Шунингдек, мамлакатимизда мавжуд олий ҳарбий таълим муассасалари моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, улардаги таълим жараёнлари бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйилди.

Бу янгиланиш ва ўзгаришлар Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондон-муҳандислик билим юрти фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун автомобил бўлинмалари тактик қўмондон-муҳандислиги, артиллерия тактик қўмондонлиги, кимё қўшинлари тактик қўмондонлиги, фронт орти таъминоти тактик қўмондонлиги каби йўналишлар бўйича юқори салоҳиятли, профессионал офицер-кадрлар тайёрланаётган мазкур ўқув масканида таълим сифати ва самарадорлиги тобора ошмоқда.

Жорий ўқув йилида билим юрти ўқув-моддий базасини юқори даражага кўтариш, ўқув дастурлари ва таълим жараёнларини янада мукаммаллаштириш ҳамда илғор компютер ва ахборот технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услубларидан кенг фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, олдимизга мазкур ҳарбий таълим муассасасини замонавий қурол-яроғ ва жанговар техникалардан кенг фойдаланиш, қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича Қуролли Кучларнинг илмий марказига айлантириш вазифаси ҳам қўйилган. Бу борада тегишли дастурлар асосида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда билим юртида Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Курсантлар, офицер ва ҳарбий хизматчилар ўртасида бир қатор танлов ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Самарқанддаги ҳарбийлар шаҳарчаси, Меҳрибонлик уйлари, таълим муассасалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

**ЎзА материали асосида тайёрланди.**
**Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат**

## Янгиликлар оқимидан

### АНДИЖОН

## Замонавий уйлар кўпаяди

***Вилоятда ўтган йили 770 та намунавий лойиҳа асосида янги уйлар фойдаланишга топширилди.***

Обод турмуш йилида вилоят бўйича 950 дан зиёд намунали уйлар қурилиши режалаштирилган. Қурилиш ташкилотлари тендер асосида замонавий уйлар тиклашни янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ бошлаб юборишди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### ХОРАЗМ

## Туҳфа

**Миришкор деҳқону боғбонлар вилоят аҳлига муносиб Янги йил туҳфаси ҳадя қилмоқдалар.**

Урганч шаҳридаги Амир Темур номли маданият ва истироҳат боғида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасида арзон нархларда мева ва сабзавотлар, полиз маҳсулотлари сотилиши йўлга қўйилди.

Ярмаркадан фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар, шунингдек, шаҳардаги «Хоразм улгуржи инвест», «Тайёрлов савдо базаси», «Хоразм кафолат савдо» очиқ акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларининг маҳсулотлари жой олган.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

### ЖИЗЗАХ

## Фаровонлик ошмоқда

***Бахмал туманида Мустаҳкам оила йилида эришилган ютуқлар бисёр. Жумладан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 108,2 фоизга ошди.***

Гўшт, сут, тухум ишлаб чиқариш анча кўпайди. Моллар бош сони ўсди. Капитал қурилиш соҳасида ҳам ўзгаришлар салмоқли. Ўтган давр ичида 37 миллиард 688 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди. 49.93 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой қурилди. 33.7 километр узунликда ичимлик суви қувурлари тортилди. Табиий газ таъминоти яхшиланди.

Сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Режалаштирилган объектларнинг 18 таси фаолият бошлади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳозир 144 киши ишламоқда.

«Гулбулоқ инвест» корхонасида жундан турли халқ истеъмоли моллари тайёрланмоқда. «Тўрабой Илашев» хусусий корхонаси нон ва нон маҳсулотлари, «Шодмонов Отабек» хусусий корхонаси эса мебел ишлаб чиқармоқда.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

## Намунали маҳалла

***Нукус шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласи намунали фуқаролар йиғинларидан. 900 оила яшаётган ҳудуд саранжом-саришталиги билан ажралиб туради.***

Тиниб-тинчимас Миратдин Исмоилов раислик қилаётган маҳаллада маиший ҳамда саноат чиқиндиларини тўплаш ва ташиш доимий назоратда. Раиснинг ташаббуси билан кўчалар асфалтланиб, таъмирланди.

Кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бериляпти. Жисмоний тарбия ва спорт, маданий-маиший тадбирлар мунтазам ўтказилаётир. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 3 та нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш, 4 та пойабзал таъмирлаш, 8 та озиқ-овқат савдо дўкони ва ўнлаб умумий овқатланиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фойдаланишга топширилиши туфайли 32 нафар ёш ишли бўлди.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

### САМАРҚАНД

## Болажонлар яйрасин!

***Вилоят туман ва шаҳар марказларида «Президент арчаси» тадбирлари учун 30 га яқин арча безатилди. Ҳудудларда янги йил совғаси ҳамда мактаб ўқув қуроллари савдоси ташкил этилди.***

Шаҳарда ҳаракатланаётган йўловчи ташиш транспорти ҳайдовчиларининг 100 нафари «Янги йил байрами қаҳрамонлари» қиёфасида хизмат кўрсатмоқда.

— Биз болажонларга аталган совғаларни олиб, бошимизни силаб турган ғамхўр Юртбошимиз борлигидан ғурурландик, — дейди Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Луиза Ибрагимова. — Бу шу пайтгача олган совғаларимизнинг энг қадрлисидир.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

### Орамиздаги одамлар

***Қарши шаҳридаги «Санам» МЧЖ бошқаруви раиси Мавлуда Йўлдошева мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди. М. Йўлдошева ҳаётини чеварликка бахшида этган заҳматкаш, фидойи аёл. Узоқ йиллар бичув, тикув, тайёрлов цехларида уста, техника хавфсизлиги муҳандиси, сифат назоратчиси лавозимларида ишлади. Соҳанинг паст-баландини тўлалигича эгаллаган ходима бугун катта жамоага раҳбар.***

## Инсонни меҳнат улуғлайди

— «Санам» МЧЖ уч марта «банкрот» деб эълон қилинган эди, — дейди Мавлуда опа. — Корхона ёпилай деб турганда бир неча ишбилармон-тадбиркорлар унинг акцияларини сотиб олиб, сақлаб қолишди. «Сарбон» ЛТД, Улуғбек Лутфуллаев, Ғулом Орзиев, Остонақул Аллаёров, Саъдулла Бобоқулов, Намоз Хидирназаров, Рустам Қосимов, Толиб Ёдгоров каби таъсисчиларнинг саъй-ҳаракати билан корхона оёққа турди. Айни пайтда 500 нафар ишчи меҳнат қилаётган бўлса, шундан 150 та иш ўрни 2012 йилда яратилди. Ўзбекистон Миллий банкидан кредит олиниб, корхонада кенг қамровли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Янги технологиялар ҳамда сифатли хомашё харид қилинди.

***— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳақида маълумот берсангиз,*** — сўраймиз бошқарув раисидан.

— Асосан эркаклар ва болалар куйлаклари, ёзги ва қишки махсус иш кийимлари, кўрпаёстиқ жилдлари, чойшаблар, тиббиёт ходимлари учун халатлар, спорт костюм ва яктаклари, ҳуқуқ-тартибот органларида ишловчилар учун либослар тайёрланмоқда. Умуман олганда, ходимларимиз ҳар қандай турдаги буюртмани сифатли ва бежирим қилиб тайёрлаб беришга қодир.

***— Ишнинг унумини ходимларга яратилган шароит ҳам белгилаши аниқ...***

— Барча хоналаримиз талаб даражасида: қишда иссиқ, ёзда салқин. Ишчилар учун бепул тушлик ташкил қилинган. Маош ўз вақтида берилади. Қолаверса, касаба уюшма қўмитаси раиси Остонақул Аллаёров ҳам инсонпарвар етакчилардан. Кам таъминланганларга мунтазам моддий ёрдам берилади. 2012 йилда етти кишига санаторийга йўлланмалар ажратилди. 150 нафардан зиёд ходимнинг «Ҳазрати Башир» зиёратгоҳига саёҳати уюштирилди.

Бундан ташқари, корхонамизда «Устоз-шогирд» тизими жорий этилган бўлиб, кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган Соҳиба Ортиқова, Замира Ҳақбердиева, Ҳалима Ёқубова, Машҳура Шаропова, Лола Нарзуллаева, Турди Йўлдошев каби тажрибали ходимлар ёш, янги ишга келган йигит-қизларга сабоқ беришмоқда.

***— «Меҳнат шуҳрати» орденини билан мукофотланганингизда хаёлингиздан қандай ўйлар кечди?***

— Касбимни жуда севаман. Камтарона меҳнатим юқори баҳоланганидан бошим осмонга етди. Бу юксак ишончни оқлаш учун қўлимдан келган барча ишни қиламан.

Айни кунларда маҳсулот турини кўпайтириш ва ҳажмини ошириш, ҳатто МДҲ давлатларидан ҳам буюртмалар олиш учун музокаралар давом эттирилмоқда. 2013 йилда янги иш ўринлари яратиб, корхона ишчилари сонини 1000 нафарга етказмоқчимиз.

Бу касбга меҳр бутун оиламизда шаклланган. Турмуш ўртоғим Толиб Ёдгоров тикувчиликка ихтисослашган «Лола — жаҳон маликаси» хусусий корхонасини бошқаради. Ўғлим Жаҳонгир Тошкент молия институтининг 2-босқич талабаси. Шундай бўлса-да, тикиш-бичиш ишларидан яхши хабардор. Қизим Лола Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқияпти. Кенжамиз Малика ҳам мактаб ўқувчиси бўлса-да, чеварликка лаёқати ва қизиқиши бор...

Мавлуда опанинг бахти тўкис. Озод юртда яшаб, обод турмушга ўз ҳиссасини қўшиш имконига эга бўлгани учун тақдиридан миннатдор. Аён ҳақиқат шуки, у каби меҳнатни улуғлаганлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch
2013-yil 5-yanvar № 2 (3195)

■ Эл дастурхонига

# Тунни тонгга улаб



**Ташқарида қиш. Чилла совуғи қулоқ-бурунни чимчилайди. Аммо ярим кеча бўлишига қарамай, кўча-кўй одамлар билан гавжум. Оға-инилар, қариндошлар, қўни-қўшни ва таниш-билишлар бир-бирини Обод турмуш йили билан қутлайди. Айниқса, ўғил-қизларнинг шўх-шодон ўйин-кулгуси, ён-атрофда таралаётан куй-қўшиқлар, чароғон кўча ва хонадонлар, шаҳар марказида безатилган сарбаланд кўркам арча, Қорбобо ва Қорқизнинг қутлови, таралаётган куй ва қўшиқлар кимни мафтун этмайди, дейсиз!**

Серқатнов Дўстлик кўчасида жойлашган, пештоқига «Иссиқ нон новвойхонаси», деб битилган чиройли бинода ўзгача ҳолат ҳукмрон. Ўн нафарга яқин ишчилар ўз юмуши билан банд. Уларнинг бири ун ташиётган бўлса, иккинчиси замонавий мосламада хамир қораяпти, яна бири печдаги нонларнинг пишишини назорат қилса, бошқаси тайёр иссиқ нон ва қандолатларни шу бинода жойлашган савдо дўконига етказиб бераяпти. Новвойхона бош устаси Маҳмуд Эргашев эса бажарилаётган ишларни назорат қилади, смена аъзоларига йўл-йўриқлар кўрсатади.

— Гарчи Янги йилни оиламиз дастурхони атрофида эмас, ишхонада кутиб олган бўлсак-да, шодлигимизнинг чеки йўқ, — дейди тажрибали новвой Махтоб Латипова. — Чунки тайёрлаётган нон ва нон маҳсулотларимиз аҳолининг байрам дастурхонига файз киритиши бизга ғурур бахш этади. Ҳамкасбларим Элдор Тошев, Мавлуда Турсунова, Наргиза Бозорова, Жамшид Зокиров, Мавлуда Қурбонова, Ҳанифа Бобоноровалар билан ҳамкорликда 15 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳолига тортиқ этаяпмиз.

Дарҳақиқат, «Когондонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли ушбу новвойхона ўзининг юқори сифатли маҳсулотлари билан истеъмолчилар эътиборини қозониб келаяпти. Германиянинг «Вахтел» линияси ишлатилиши туфайли юқори сифат ва самарадорликка эришиляпти, боз устига табиий газ ва электр энергияси аввалгидан 3 баравар кам сарфланаётир. Ҳар кеча-кундузда 4,5 тоннагача кўплаб турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Янги ускуналарни ишлатиш жараёнларини ёшлар ҳам кунт билан ўзлаштиришмоқда.

— Ўтган йили коллежни битириб, шу корхонада иш бошлаган 13 нафар ёшларнинг бириман, — дейди Сарвиноз Равшанова. — Бу ердаги иш шароити, жамоанинг аҳиллиги ва иноқлиги, устозларнинг ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги менга жуда манзур бўлмоқда. Устозларимиз Маҳмуд Эргашев ва Озода Шариповадан, айниқса, миннатдорман.

...Шаҳарда янги тонг отди. Новвойхона савдо дўкони турли-туман бўрсилдоқ, хуштаъм иссиқ нонларга тўла бўлиб, харидорларга тортиқ қилинмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**

**Суратларда:** *Сотувчи Дилфуза Эргашева тайёр маҳсулот билан; Новвойлар Элдор Тошев ва Гўзал Каримова иш устида.*



*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Мактабни битиргач, оиламиздаги етишмовчиликлар сабаб колхозда ишладим. Кун бўйи далада, кечаси комбинатда, хуллас, ўқиш ҳақидаги орзуларим армонга айланиб борарди. Келаси йили мени турмушга узатишди. Келинлик уйим катта оила бўлгани учун аввалгидан-да меҳнатга кўмилдим. Уйга навбатдаги овсин келгач, икки яшар боламиз билан ижарада яшай бошладик. Орада қайнотам оғир бетоб бўлиб ётиб қолди. Келинлик уйимга қатнаб, қайнотамга қарадим. Эсимда, ўшанда бетоб ётган қайнотам мени: «Азиз бошингиз омон бўлсин, ҳечам кам бўлманг, қизим», деб дуо қилганлар. Эр-хотин рўзғорни тебратиш учун тиним билмасдик. Қайнотамнинг дуолари сабабми, пешонамизга ҳовли битди, уй тикладик. Тандир қуриб, новвойлик билан шуғуллана бошладик. Эргаш акам ва укаларим хамир қориб, нон ёпар, мен эса, кечгача бозорда уларни сотардим. Ўша вақтлар йиққан бор пулимизга бозордан жой сотиб олиб, нон ишлаб чиқариш цехини ишга туширдик.

# Умр мазмуни

Мустақиллик туфайли юртимизда ишбилармонларга кенг имкониятлар яратилди. Биз ҳам қайтадан тадбиркорлик ишларини йўлга қўйдик. Олий ўқув юртида ўқиш мен учун армонга айланган бўлса-да, орзуларим рўёбини фарзандларимда кўрдим. Эркин ва Хуршида ЎзМУни тугатишди. Элёр ва Элмуродим ҳозирда Тошкент давлат техника университетида таҳсил олишади. Истиқлолимиз шарофати билан турмуш ўртоғим икковимиз ҳаж зиёратига бориб келдик. Баъзида замондан нолиганларни кўрсам, жаҳлим чиқади. Ахир ўқиш, ишлаш учун етарли шароитлар яратилган бир даврда вақтни зое кетказиб, қўл қовуштириб ўтириш ношукурликнинг ўзгинаси-ку. Жаннатмонанд юртда, тинч ва фаровон замонда яшаётганимизга шукур қилиб, оиламиз ва эл-юрт тўкинлиги учун тинмай меҳнат қилишимиз лозим.

Хурсаной опанинг сўзларини тинглар эканман, унда ўзбек аёлига хос оилага садоқат, меҳр-оқибатлилик каби фазилатларни кўрдим. Ҳалол меҳнат, атрофдагиларга яхшилик қилиш ҳаётнинг безаги эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

**Нурбек ҚИДИРАЛИЕВ,**
**журналист**

■ Касаба уюшма ҳаёти

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарбдор туман кенгаши ҳудуддаги барча тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари иштирокида йиғилиш ўтказди.***

# Эътироф

Йиғилишда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ва спорт йўналиши, молиявий фаолиятида туб ўзгаришлар кузатилганлиги эътироф этилди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бошланғич ташкилотлар фаолиятига алоҳида эътибори ўз самарасини бераётир, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Бердиали Абдуалиев. — Табиийки, ўрта бўғин касаба уюшмалари органлари ўз вазифаларини ҳал этишда, авваламбор, бошланғич ташкилотларнинг кўмагига таянади. ЎзКУФКнинг «Касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари раҳбарлари учун фаолиятни тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича қўлланма»си фаолиятимизда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

■ «Устоз-шогирд» тизими амалда

*Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотларида ҳам муайян тажриба тўпланган бўлиб, хусусан, «Устоз-шогирд» тизими асосида ёшларни малакали кадр этиб тарбиялаш, иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда.*

# Эътибор сенгадир, келажак авлод!

Мана бу рақамлар фикримизни тасдиқлайди: 2011-2012 ўқув йилида вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини 12 221 нафар ёшлар тамомлаганини ҳолда, уларнинг 11 266 нафари иш билан таъминланди. Мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлар 4183 нафар, олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлар сони 165 нафарни ташкил этди. Корхоналарда иш бошлаган ёш ходимлар, аввало, касаба уюшмаси сафига қабул қилинди. Жамоа шартномаси ва унда назарда тутилган имтиёзлар, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ барча тартиб ва қоидалар билан таништирилди.

Вилоятда битирувчилар бизнес ғояларини амалга оширишлари учун имтиёзли кредитлар ташкил этилган. Банклар томонидан 348 нафар битирувчига берилган 899,6 млн. сўмлик кредит эвазига ёшлар ўз бизнесларини йўлга қўйиб, бозорлар тўкинлигига ҳам муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Туман, шаҳар ҳокимликлари, тегишли ташкилот ва корхоналар томонидан иш билан банд бўлмаган битирувчиларнинг ҳар бирини ҳудуддаги бўш, квоталанган ва янги иш ўринларига жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятдаги мавжуд 47 та касб-ҳунар коллежига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фаолиятини яхшилаш ва доимий ҳамкорлик қилиш учун 32 та ташкилот бириктирилган. Натижада ушбу ташкилотларда амалиёт ўтаган битирувчилар иш билан таъминланди. Шунингдек, коллежларнинг ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида оталиқ ташкилотлар томонидан 536 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

2012-2013 ўқув йилида вилоятдаги мавжуд касб-ҳунар коллежларини 59 та йўналиш бўйича 12 685 нафар ўқувчи тамомлайди. Вилоят ҳокими қарори асосида уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш учун алоҳида штаб фаолият кўрсатмоқда. Барча таълим муассасалари, ундаги мавжуд йўналиш ва соҳалар бўйича тегишли ташкилот раҳбарлари вакил этиб бириктирилди. Улар амалиёт жараёнида тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларни аниқлаш, фаолиятини йўлга қўйишда зарур шароит ва имкониятлар яратиш, мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашга қаратилган вазифаларни амалга оширмоқда. Сирдарё-Қуйи ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, «Сирдарё Автойўл» ташкилоти, «Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ, Шаҳар ва тумангаз филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тақдимотлар янги йўналишларни белгилаб олишга хизмат қилди.

Вилоят «Пахтасаноат» бирлашмасидаги лизинг ҳисобига олинган 40 та трактор касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларнинг амалиёт жараёнини самарали ташкил этиш учун берилди. «Давтехназорат» инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан қисқа муддатли механизаторлик курсларида иштирок этган битирувчиларга махсус трактор ҳайдовчиси гувоҳномалари топширилди.

Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежига оталиққа бириктирилган «Сирдарё иссиқлик электростанцияси» ОАЖ томонидан таълим муассасасининг иссиқлик тизимини яхшилаш учун 200 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. 25 нафар 3-босқич ўқувчиси учун энг кам иш ҳақи миқдорида стипендия жорий этилиб, ўқув йили якунида 83 нафар битирувчи мазкур ташкилотда мутахассислиги бўйича фаолиятини бошлайди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Ҳеч ким совғасиз қолмади

***Навоий вилоятида янги йил байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва тадбирларни юқори савияда ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланганди.***

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари томонидан 200 нафар Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳамда Конимех туманидаги кам таъминланган соҳа ходимларининг 100 нафар фарзандига совғалар улашилди. Туман кенгашлари ҳам имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларини хушнуд этишди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари эҳтиёжманд оилаларнинг 2610 нафар фарзандларига янги йил совғаларини тақдим этган бўлса, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси 2 млн. сўмлик манзилли ёрдам кўрсатиб, тармоқ ходимларининг болалари шодлигига шодлик қўшишди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси томонидан «Фарҳод» маданият саройида ўтказилаётган байрам тадбирларига соҳа ходимлари фарзандлари учун чипталар олиб берилди.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари эса 13 млн. 575 минг сўмлик совғалар тайёрлашди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси фаоллари ҳам бу каби хайрли тадбирларга масъулият билан ёндашмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимиздаги 7 минг 239 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари касаба уюшмаларининг янги йил совғаларидан баҳраманд бўлишди.

**Н.НУРМОНОВА,**
**Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири**

# Янги йилда – янги уйлар

***Обод турмуш йилининг дастлабки кунлариданоқ Бухоро шаҳридаги «Пиридастгир» кўчасида яшаётган 32 оиланинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Улар янги йил байрами билан ҳовли тўйларини ҳам нишонлашди. Гап шундаки, ушбу 4 қаватли замонавий кўркам бино қурилиши «Ипотека» акциядорлик тижорат банкининг Бухоро филиали томонидан «Бухоро қурилиш» агро ишлаб чиқариш корхонасига кредит ажратиш йўли билан молиялаштирилди.***

Инвестиция шартномасига асосан янги уй-жойлар хонадон эгаларининг ўз маблағи ва ипотека кредити маблағлари ҳисобига сотиб олинди. Ҳар томонлама қулай ва шинам турар-жойларга эга бўлганларнинг 14 нафарини ёш оилалар ташкил этади. Уларга 468,3 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Мустаҳкам оила йили муносабати билан банк томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йил давомида 66 нафар ёш оилага 1673,2 миллион сўм миқдорида уй-жой ва турли жиҳозлар сотиб олишлари учун ипотека ҳамда истеъмол кредитлари берилди.

Янги йилда ипотека ва истеъмол кредитлари миқдори оширилиб, уй-жойлар қурилиши ҳажми янада кўпаяди.

**И. ҲОЖИЕВ**

■ Ҳамкорларимиз фаолиятидан

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни изчил амалга ошириш, хусусан, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсмир қизларни ихтисослашган тиббий кўрикдан ўтказиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилди.***

# Эзгулик элчиларига эҳтиром

Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган «Эзгулик элчиларига эҳтиром» деб номланган маърифий тадбирда бу борада амалга оширилган ишлар эътироф этилди.

Тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, вазирлик ва ташкилотларнинг матбуот котиблари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқиб, мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлашга устувор аҳамият қаратилаётгани, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда қўмита ва медиа тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хотин-қизлар ҳаёти ва фаолиятига оид таҳлилий материалларни кўпайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда Обод турмуш йили муносабати билан ўтказиладиган «Аёл — обод турмуш бунёдкори» мавзуидаги кўрик-танлов муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирилди. Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ёритишда яқиндан ёрдам берган журналистларга, қўмитанинг фаол ва фидойи аъзоларига махсус ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**



# Қўшалоқ байрам

***Сергели туманидаги 104-мактабда Янги йил байрами тантанаси кўтаринки руҳда ташкил этилди.***

— Арча байрамини эсда қоларли тарзда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрдик, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Сафарбоева. — Қорбобо ва Қорқизнинг чиқишлари, 1-Тошкент педагогика коллежининг амалиётчи ўқувчилари томонидан эртак қаҳрамонлари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари тадбирга ўзгача файз киритди.

Байрам тантаналари биринчи синф ўқувчиларининг «Саводхонлик байрами»га уланиб кетди. Жажжи болакайлар ўзларининг шеър, рақс ва қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**



